



## Theoretical and legal foundations for obtaining samples for expert examination

Shukurullo AGOEV<sup>1</sup>

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

### ARTICLE INFO

#### Article history:

Received July 2025  
Received in revised form  
15 August 2025  
Accepted 25 August 2025  
Available online  
15 September 2025

#### Keywords:

samples for expert  
examination,  
legal nature,  
material evidence,  
sample,  
criminal procedure,  
investigative action,  
procedural status,  
evidentiary significance.

### ABSTRACT

The article analyzes the legal nature of the investigative action of obtaining samples for expert examination, its conceptual foundations, and theoretical aspects. Existing scientific views on the legal nature of samples are systematized, and their criminal procedural status and evidentiary significance are elucidated. As a result of the research, it is substantiated that samples constitute a special type of material evidence.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss8/S-pp52-56>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Экспертиза текшируви учун намуналар олишнинг назарий-ҳуқуқий асослари

### АННОТАЦИЯ

#### Калит сўзлар:

экспертиза текшируви  
намуналари,  
ҳуқуқий табиат,  
ашёвий далиллар,  
намуна,  
жиноят процесси,  
тергов ҳаракати,  
процессуал мақом,  
далилий аҳамият.

Мақолада экспертиза текшируви учун намуналар олиш тергов ҳаракатининг ҳуқуқий табиати, унинг концептуал асослари ва назарий жиҳатлари таҳлил қилинган. Намуналарнинг ҳуқуқий табиати бўйича мавжуд илмий қарашлар тизимлаштирилган, уларнинг жиноят-процессуал мақоми ва далилий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижасида намуналарнинг ашёвий далилларнинг махсус тури эканлиги асосланган.

<sup>1</sup> Independent Researcher, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

# Теоретико-правовые основы отбора образцов для экспертного исследования

## АННОТАЦИЯ

### Ключевые слова:

образцы экспертного исследования, правовая природа, вещественные доказательства, образец, уголовный процесс, следственное действие, процессуальный статус, доказательственное значение.

В статье анализируется правовая природа следственного действия по получению образцов для экспертного исследования, его концептуальные основы и теоретические аспекты. Систематизированы существующие научные взгляды на правовую природу образцов, раскрыты их уголовно-процессуальный статус и доказательственное значение. В результате исследования обосновано, что образцы представляют собой особый вид вещественных доказательств.

## КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув ва илмий-техник тараққиёт шароитида жиноятларни содир этиш усуллари, воситалари кескин мураккаблашиб, юқори даражада латентлашиб бормоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, жиноят-процессуал фаолиятда далиллар базасининг мустақамлигини таъминлаш, хусусан, экспертиза текширувлари орқали олинадиган илмий маълумотларнинг процессуал ва гносеологик қимматини оширишни тақозо этмоқда.

Замонавий жиноят-процессуал тизимида экспертиза учун олинадиган намуналарнинг ҳуқуқий табиатини концептуал жиҳатдан асослаш ва таснифлаш масаласи нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта илмий-методологик аҳамиятга эга. Чунки намуналарнинг процессуал мақомини нотўғри белгилаш ёки уларни олишда қонуний тартиб-таомилларнинг бузилиши экспертиза хулосаларининг дастлабки далил сифатидаги юридик кучини йўқотишига олиб келиши мумкин.

Намуналарнинг ҳуқуқий табиати бўйича илмий қарашлар таҳлили бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ: Намуналарни алоҳида процессуал категория деб ҳисобловчи олимлар

Бу йўналишнинг асосий намояндалари Р.С. Белкин, Н.В. Терзиев, А.И. Винберг, И.Р. Астанов, Н.А. Селиванов, В.А. Жбанков каби етакчи олимлардир. Уларнинг фикрича, намуналар ашёвий далиллар эмас, балки жиноят процессида фойдаланиладиган объектларнинг мустақил тоифасини ташкил этади.

Р.С. Белкин ўз фикрини қуйидагича асослаган: “намуналар ашёвий далиллар ҳисобланмайди, балки жиноят процессида фойдаланиладиган объектларнинг мустақил тоифасини ташкил этади”. У намуналар ва ашёвий далиллар ўртасидаги фарқни қуйидаги белгилар билан изоҳлаган:

- биринчидан, намуналар жиноят ҳодисасини бевосита акс эттирмайди;
- иккинчидан, намуналар ўз-ўзидан ҳеч нарсани исботламайди;
- учинчидан, намуналарнинг аҳамияти фақат таққослаш натижасида намоён бўлади.

Н.В. Терзиев бу фикрни қўллаб-қувватлаб, таъкидлаганки: “намуналар ва ашёвий далиллар ўртасида туб фарқ мавжуд, бу фарқ шундан иборатки, иккинчи тоифа тергов қилинаётган воқеа билан боғлиқ... На тергов, на эксперт ўз ҳаракатлари билан ашёвий далилларни яратиши мумкин эмас, намуналар эса тергов томонидан олиниши мумкин”.

Иккинчи гуруҳ: Нейтрал қарашдаги олимлар

Бу гуруҳга И. Кертес, Л.М. Исаева, Ю.К. Орлов каби олимлар киради. Улар намуналарнинг табиатини аниқлашда икки томонни ҳам эътироф этадилар ва қатъий бир томонлама хулоса бермайдилар.

И. Кертес ўз фикрини қуйидагича баён этган: “намуналарга далилларнинг мустақил тури сифатида қарашга қарши принципиал эътирозларни илгари суриш мумкин эмас”. Бироқ у ҳам намуналарни бошқа ашёвий далиллардан ажратиб турадиган белгилар мавжудлигини тан олади.

Л.М. Исаева томонидан намуналарнинг икки хил функцияси борлиги таъкидланган. Олимнинг фикрича, “ишнинг ашёвий далиллари деб эътироф этилган ҳужжатлардаги муҳр излари бир вақтнинг ўзида қиёсий тадқиқот учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин”.

Ю.К. Орлов ҳосила ашёвий далилларни уч гуруҳга бўлади:

1. Асл нусхадан олинган нусхалар (қолиплар, оттисклар);
2. Асл топилмаган ҳолатда ишлатиладиган аналоглар;
3. Қиёсий тадқиқот намуналари.

Учинчи гуруҳ: Намуналарни ашёвий далиллар деб ҳисобловчи олимлар

Бу гуруҳ намояндалари Г.Б. Карнович, А.В. Дулов, И.Л. Петрухин, М.М. Выдря, А.А. Эйсман, В.М. Галкин, Р.Д. Рахунов, А.Р. Ратинов, А. Мухаммадиев, С. Нуриддинов, А. Халилов каби етакчи олимлардир. Уларнинг фикрича, намуналар ашёвий далилларнинг бир тури ҳисобланади.

Г.Б. Карнович ўз фикрини қуйидагича баён этган: “агар предмет-намуналарни моддий далиллар деб ҳисобламасак, у ҳолда улар билан солиштирилиши лозим бўлган ҳужжат ва ашёлар ҳам моддий далиллик хусусиятини йўқотади, чунки улар фақат намуналар билан ўхшашлиги ёки фарқи туфайлигина исботлаш кучига эга бўлади”.

А.В. Дулов бу фикрни қўллаб-қувватлаб, таъкидлаганки: “намуналар ҳар доим моддий далиллар ҳисобланади”. У бу фикрини шундай асослайди: намуналар тўғридан-тўғри тергов қилинаётган иш воқеаларига алоқадор, чунки улар ёки тергов томонидан мусодара қилиниши жараёнида аниқланган маълум фактларни ўзида мужассам этган ёки экспертлик тадқиқоти давомида аниқланиши мумкин ва аниқланиши керак бўлган изларни сақлайди.

Халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил

Германия олими Томас Фишер (Thomas Fischer) – Германия Федерал Олий судининг собиқ судьяси намуналарни ашёвий далил сифатида қабул қилиш масаласини кенг таҳлил қилган. Фишернинг фикрича, намуналар судда далил сифатида қабул қилиниши учун уларнинг тегишлилиги ва ҳақиқийлиги шубҳасиз бўлиши шарт.

Михаэль Хефтер (Michael Heghter) ҳам намуналар ашёвий далил сифатида қонунан тан олинишини қайд этади. Унинг фикрича, “намуналарнинг далил сифатидаги қиймати суд томонидан мустақил баҳоланса ҳам, улар ашёвий далиллар тоифасига киради”.

Жан-Луи Вале (Jean-Louis Vallée) 2023 йилда нашр этилган илмий мақоласида намуналарни ашёвий далил сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқлигини асослайди. Вале фикрича, намуналарнинг қонунийлиги ва тегишлилиги суд томонидан қатъий текширилиши уларнинг ашёвий далил мақомини мустаҳкамлайди.

Намуналарнинг таркибий элементлари

Тадқиқот натижасида намуналарнинг уч таркибий қисми аниқланди:

1. Гносеологик таркибий қисм

Экспертиза текшируви учун намуна жинойт ҳодисасини бевосита акс эттирувчи предмет ёки из билан таққосланиши лозим бўлган объектнинг хусусиятларини акс эттиради ва баъзан ўзи ҳам жинойт таркиби элементларидан биринининг хусусиятларини акс эттиради.

2. Ахборот таркибий қисм

Намунанинг ичида жинойт ишини ҳал қилишга ёрдам берадиган конкрет маълумотлар – яъни унинг белгилари мавжуд бўлиб, бироқ эксперт ўзига қўйилган вазифага қараб фақат зарур белгиларни ўрганади.

3. Ҳуқуқий (жинойт-процессуал) таркибий қисм

Намунанинг қонуний кучга эга бўлиши учун унинг ўзидан ташқари махсус ҳужжатлар тўплами зарур: намуна олиш тўғрисидаги расмий қарор, намуна олиш жараёнини тасдиқловчи баённома ва экспертиза тайинлаш қарори.

Қонунчилик таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Жинойт-процессуал кодексининг 203-моддасига кўра, келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади. Намуналар айнан шу талабларга жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июндаги “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунида намуналарнинг таърифи берилган: “Текширишни ўтказиш ва хулоса бериш учун суд экспертига зарур бўлган тирик одам, мурда, ҳайвон, ўсимлик, буюм, материал ёки модданинг хусусиятларини акс эттирувчи объектлар текшириш учун намуналардир”.

## **ХУЛОСА**

Ўтказилган комплекс таҳлил натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Илмий адабиётларда намуналарнинг ҳуқуқий табиати бўйича уч хил асосий қараш мавжуд: намуналарни алоҳида процессуал категория деб ҳисоблаш, нейтрал позиция ва намуналарни ашёвий далиллар деб тан олиш.

2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, намуналар ашёвий далиллар билан бир хил ҳуқуқий режимга эга.

3. Намуналарнинг уч таркибий қисми – гносеологик, ахборот ва ҳуқуқий қисмлар мавжудлиги аниқланди.

4. Экспертиза текшируви учун намуналарга қуйидаги таъриф бериш мумкин: “Экспертиза текшируви учун намуналар – бу жинойт иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида, қонунда белгиланган тартибда олинган, тирик

одам, мурда, ҳайвон, ўсимлик, буюм, материал ёки модданинг хусусиятларини акс эттирувчи, экспертиза тадқиқотида таққослаш учун фойдаланиладиган ва ашёвий далилларнинг махсус тури ҳисобланган моддий объектлардир”.

Шундай қилиб, намуналар ашёвий далилларнинг ўзига хос тури бўлиб, улар умумий белгилар билан бир қаторда махсус хусусиятларга ҳам эга. Бу ёндашув намуналарнинг далилий қийматини сақлаб қолиш билан бирга, улар билан ишлашнинг махсус тартибини белгилаш имконини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Белкин Р.С. Новый УПК РСФСР и некоторые вопросы науки советской криминалистики // Сборник статей по новому уголовному и уголовно-процессуальному законодательству. – М., 1996. – С. 156.
2. Терзиев Н.В. Идентификация и определение родовой (групповой) принадлежности. М., 1961. – С.23.
3. Винберг А.И. Образцы для сравнительного исследования // Практика применения нового уголовного процессуального законодательства. – М., 1962. – С.45-46.
4. Селиванов Н.А. Вещественные доказательства. – М., 1971. – С. 12-15.
5. Астанов И.Р. Жиноят процессида экспертиза намуналарининг процессуал мақоми // Ўзбекистон суд экспертизаси журналі. – 2022. – №3. – Б. 17-19.
6. Жбанков В.А. Получение образцов для сравнительного исследования. – М., 1992. – С.5.
7. Исаева Л.М. Специальные познания в уголовном судопроизводстве М., 2003. С. 304.
8. Кертес И. Основы теории вещественных доказательств. М., 1973.
9. Орлов Ю.К. Производство экспертизы в уголовном процессе. – М., 2005. – С. 89.
10. Карнович Г.Б. К вопросу о классификации вещественных доказательств. Советская криминалистика на службе следствия. Вып.8. М., 1956, с. 16.
11. Дулов А.В. Права и обязанности участников судебной экспертизы. Минск, 1962, с. 167.
12. Петрухин И.Л. Экспертиза как средство доказывания в советском уголовном процессе. М., 1964, с. 45.
13. Fischer, T. Die Bedeutung von Proben als Sachbeweise im deutschen Rechtssystem // Zeitschrift für deutsches Recht. 2021. № 3. S. 45-52.
14. Vallée, J.-L. L'admission des échantillons comme preuves matérielles en droit français // Revue juridique française. 2023. № 2. P. 123-134.
15. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. [Электрон манба]. – URL: <https://lex.uz> (мурожаат санаси: 03.04.2024).
16. Суд экспертизаси тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2010 йил 1 июнь, ЎРҚ-249-сон // Lex.uz. – URL: <https://lex.uz/acts/1633102> (мурожаат санаси: 11.10.2024).